



MUZEYLAR: AN'ANA, NOVATSIYA VA RENOVATSIYA INTEGRATSIYASIDA

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN TO'PLAMI



TOSHKENT 2025

Mas’ul muharrir:

Jannat Ismailova, tarix fanlari doktori, professor

Alisher Ismailov, tarix fanlari doktori (DSc), professor

Larisa Levteyeva, tarix fanlari nomzodi, katta ilmiy xodim.

To’plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

Dilafro’z Karimova, t.f.b. falsafa doktori (PhD), kat.i.x.

Mansur Safayev, kichik ilmiy xodim

Taqrizchilar:

T.f.d., prof. B.V.Xasanov, t.f.n.X.Fayziyev

Mas’ul muharrirlar: J.X.Ismailova, A.F.Ismailov, L.G.Levteyeva;
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi.
«Muzeylar: an’ana, novatsiya va renovatsiya integratsiyasida» mavzusida Xalqaro
ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to‘plami. –Toshkent, 2025-yil 18-mart. -
722 b.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O‘zbekiston tarixi davlat
muzeyida Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 27-dekabrdagi
“2025-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik
tadbirlar rejalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 490-son buyrug‘iga asosan tashkil etildi.

Mazkur to‘plamdan O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida an’anaviy tarzda
o‘tkazib kelinayotgan «Muzeylar: an’ana, novatsiya va renovatsiya
integratsiyasida» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to‘plamida muzeyshunoslik, tarix,
arxeologiya, etnologiya hamda muzeylarda innovatsion texnologiyalarni jalb etishga
qaratilgan ilmiy tadqiqotlar o‘rin olgan.

To‘plam tarkibidan o‘rin olgan maqolalar mualliflarning ilmiy tadqiqot
natijalari va shaxsiy ilmiy qarashlarini o‘zida aks ettiradi.

To‘plam O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O‘zbekiston tarixi
davlat muzeyi Ilmiy kengashining 2025-yil 07-apreldagi 4-son majlis qarori asosida
nashrga (elektron) tavsiya etilgan.

3. Давлатова С. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида). – Тошкент: Yangi nashr, 2018. – Б.124.
4. Қурбонова М. Бухоро зарбоф кийим-кечаклари коллекцияси // Музейшунослик ХХІ асрда: тадқиқотлар, анъаналар ва инновациялар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2-китоб. – Тошкент, 2022. – Б.133.
5. Курбанова М. Коллекция одежды Бухарского эмирата как бесценное наследие Бухарского музея // Советская эпоха в этнокультурном измерении. Материалы двадцать первых Санкт-петербургских этнографических чтений. – Санкт-Петербург, 2022. – С.461.

ТУКСАНОВА Зилола

Бухоро давлат университети
катта ўқитувчиси

БУХОРО МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШДА ОБИДАЛАРДАГИ АСТРОНОМИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада очиқ осмон остидаги Бухоро меъморий обидалари қурилиши, меъморчилиги, декорацияси ва безак техникаларида учрайдиган астрономик белгилар, уларнинг тасвирланиши сабаблари, музейлаштиришида уларнинг аҳамияти масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: қуёш буржи, юлдузсимон, муқарнаслар, қошин, геометрик нақш, оймананд юлдузлар саройи.

Аннотация: В статье анализируются астрономические знаки, обнаруженные в конструкции, архитектуре, отделке и декоративной технике памятников архитектуры под открытым небом Бухары, причины их изображения и значение в музейзации.

Ключевые слова: солярный знак, звездообразный, сталактит, кафел, геометрический узор, дворец луны и звезд.

Annotation: The article analyzes astronomical signs found in the design, architecture, decoration and decorative techniques of architectural monuments in the open air of Bukhara, the reasons for their depiction and significance in museumization.

Keywords: solar sign, star-shaped, stalactite, tile, geometric pattern, palace of the moon and stars

Бухоро воҳасида бугунги кунда 829 та маданий мерос объектлари сақланиб қолган. Уларнинг орасида илк ўрта асрларга тааллуққилари ҳам бор. Аксарияти сўнгги ўрта асрларга мансуб[2]. Обидаларнинг неча юз йиллардан бутун бус бутун ҳолда етиб келишининг муҳим сабаблари нафақат бой

меъморчилик тажрибаси, қурилиш материалларининг мустаҳкамлиги, балки, аجدодларимизнинг аниқ фанлар, физика, математика, астрономия фанларини яхши ўзлаштирганидир. Бухоро архитектура ёдгорликларининг боқий яшаб келаётгани шубҳасиз уларнинг осмон жисмлари билан боғлиқ ҳолда барпо этилганидир.

Шаҳарнинг энг қўхна иморатларидан Арkning бунёд этилиши муаррих Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида баён этилган. Хусусан, бухорхудот Бидун олимларни йиғиб, маслаҳатини олгандан сўнг, катта Айиқ, осмондаги етти қароқчи юлдузлари шаклида, еттита тош устунда устига Аркни қайта куради[5, 28-29].

XII асрда Қорахонийлар сулоласидан Бухоро подшоҳи Арслонхон келгуси авлодларга салтанатидан мангу бир нишона қолдириш ниятида ажиб бир иншоот бунёд этишга жазм этади. Бу хайрли ишга барча мунажжим, меъмор ва устазодаларни жалб этиб, улардан иморат лойиҳаларини бир ой муҳлат ичида топширини буюради. Муддат тугагач, меъмор ва муҳандислар турли шаклдаги масжид, мадраса, хонақоларнинг лойиҳа чизмаларини ҳукмдорга тақдим этишади. Лекин, унга бирортаси ҳам маъқул бўлмайди. Фақатгина минора қурилиши лойиҳаси мақуланган. Айни бундай баланд иншоотнинг боқий туришини фалакиётшунос олимлар исботлаб беришган.

XV асрда темурийзода Мирзо Улуғбек мамлакат ҳудудида қурдирган мадрасаларидан биринчиси 1417 йилда Бухорода қад кўтаради. Мадрасанинг архитектураси ва унинг безатилиши диққатга сазовордир, чунки бионинг деворлари, айвон ва бошқа қисмлари буюк астроном-олим Улуғбекнинг чизмалари асосида коинотнинг сирли қосишлари билан безатилган[3, 323-327]. Шунингдек, мадраса астрал характерга эга бўлган орнамент (нақшлар) билан безатилган бўлиб, улар Улуғбекнинг астроном сифатида дунёқарашини ифодалайди. Биринчи қарашдаёқ мадраса ўзининг ажойиб гармонияси билан кишини маҳлиё қилади. Кейинроқ Марказий Осиёда мадрасалар ана шу нусхада қурила бошланганлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари мадрасада диний фанлар билан бирга, дунёвий фанлар, хусусан, фалакиёт илми ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Бухоро шаҳридаги Калон масжидининг бугунги кунга қадар етиб келишидаги синоатлардан бири унинг Қуёш буржига қараб қурилганлигидир. Коинот жисмлари билан ҳамоҳанглиги унинг бардавомлигини таъминлаганлигига шубҳа йўқ. Калон масжиди Хонаи Каъбанинг асл, олдинги шаклига монанддир. Балки шунинг учун ҳамдир Оллоҳ назари тушган замин Калон масжидининг умри боқий ва бардавомдир.

XVI аср ёдгорлиги саналган Хўжа Зайниддин масжид хонақосининг баландлиги 7 метрли айвон шифти ва текис томини 8 та безакли ёғоч устунлар кўтариб туради. Устунларнинг бари мармар тагкурсиларга мустаҳкамланган. Шифт тоқили, юлдузсимон 7 ҳовузакларга бўлиниб, ҳандасий нақшлар билан жозибадор безатилган. Шарқий томондаги марказий қисмида юлдузсимон ҳовзак ишланиб, муқарнасилар билан безалган. Юлдузсимон шаклдаги ҳовзакнинг ўн икки бурчагидан йирикроқ ёғоч тахтачалардан бўрттириб ишланган геометрик нақшлар тарқалган. Ҳовзак юлдузсимон муқарнаслар

ёрдамида безалган карниз билан якунланиб, ёнларидаги, нисбатан соддарок безалган ҳовзакчалар билан уйғунлашган. Шимол томондаги айвон шифтининг марказида эса ўн қиррали юлдузсимон шаклдаги ҳовзак жойлашган бўлиб, ёнлари шарафалар билан безалган. Айвоннинг бурчак қисми ҳам серҳашам безалиб, юлдузсимон муқарнаслар билан тўлдирилган иккита олти қиррали ҳовзак ишланган. Айвоннинг деворларига ганч ишлатилган бўлиб, оқ рангли девор ва айвоннинг қошинкорлиги усталарнинг юксак маҳоратидан дарак. Бизгача етиб келган айвоннинг харили шифт ва томи XVI асрга хос бўлган ёғоч харилар ва текис томлар конструкциясининг ажойиб намунасидир. Шарқий томондаги иккита асосий устун юзарок ўйма геометрик нақш билан безалиб, юқори қисми мадохил нақшли қош билан якунланган.

Масжиднинг салобати ва ҳашамдорлигининг тожи саналган гумбаз гўзаллиги ҳар қандай инсонни сеҳрлаб қўшиши шубҳасиз. Гумбазнинг пастки учидаги айлана лента бўйлаб битилган эски ёзув ва муқаддас битиклар бежирим хаттотлик кўринишида. Хона гумбази мураккаб қалқонсимон бағаллар ёрдамида асосига таянган, гумбаз ичи 32 га бўлиниб, улар ҳалланган майда гуллар билан безатилган, гумбазнинг қуйи қисми эса муқарнаслар қатори билан ҳошияланган. Гумбаз, тахмонлар, меҳроб ва ғарбий девордаги ёзувлар қатори кундал усулида бажарилган. Гумбаз қуйи атрофида кўкимтир нақшлар бўлса-да, марказида учига интилаётган ўсимликсимон нақшлар ва гулбарглар гулдастаси акс этган. Чинни-олтин косани эслатувчи гумбазга диққат билан разм соларкансиз, булутлар орасидан нур сочиб, чараклаётган қуёш кўзга ташланади.

Бухоронинг сўнгги сулоласи – манғит амирларининг ёзги саройининг Ситораи Мохи Хосса деб аталиши ҳам бежизга эмас. Яъни, “оймананд юлдузлар саройи”, “шоҳнинг кўнглидаги юлдуз” маъноларини ифодалайди[4, 11]. Сарой хоналарининг ёғоч, ганч, ойнаванд безакларида ой, юлдуз тасвирлари кўп учрайди.

1914-1915 йилларда барпо этилган Амир Олимхон мадрасаси ҳам пухта билим берилиб, шунингдек, замонасининг зукко олиму фузалолари йиғилганки[1, 44], амир ушбу масканни академияга айлантиришни ният қилган. Йирик илмий муассасанинг айнаи шаҳарнинг бош маркази, Минораи Калон ёнидан танлангани ҳам бежизга эмас албатта. Балким, Амир Олимхон илму нужум – фалакиёт илмини минора орқали тадқиқ этишни ҳам ният қилгандир.

Бухоро тарихий обидаларида астрономик белгилар ва осмон жисмлари тасвирининг акс этиши аجدодларимизнинг фалакиёт илмини пухта эгаллагани, моҳир мунажжимлар бўлиб етишганидан дарак. Макур омил сабабидан ҳам ёдгорликлар асрлар оша боқий яшайверади.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

504 Альмеев Р.В. Медресе Амира Алимхан-хана в Бухаре // Древнее наследие Бухары (сборник научных и научно-познавательных статей). – Бухара: Дурдона, 2016. – С.44.


2. Bobojonov, S. (2017). Sharif shahar yodgorliklari.
3. Бобожонов, Ш. У. (2024). МИРЗО УЛУҒБЕК ҚУРДИРГАН БИРИНЧИ МАДРАСА. *Science and innovation*, 3(Special Issue 3), 323-327.
4. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хосса. – Бухоро, 2010. – Б.11.
5. Наршахий М. Бухоро тарихи. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – Б.28-29.




Хўжа Зайниддин масжид хонақоҳи гумбазининг ички кўриниши.
XVI аср.



Мир Араб мадрасаси миёнсаройининг гумбази кўриниши. XVI аср.



Кўкалдош мадрасаси миёнсаройи гумбазининг кўриниши. XVI аср.



Боло ҳовуз масжидининг ёғоч айвони шифти ҳовузакларидан бири. XX аср бошлари.

TOSHTEMIROVA Sh.O‘ZBEKISTONNING MADANIY MEROSINI MUZEYLASHTIRISH: ETNOGRAFIK EKSPONATLARNI SAQLASH.....	486
GANIYEVA Ch. X.,YUNUSOV A. F.“BUYUK RASSOM MEROSI: O‘ROL TANSIQBOYEV MUZEYI”	490
SALAYEVA R. Q.SOPOLLITEPA SIRLARI.....	493
НОРОВА Д.БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК ХУНАРИ МЕРОСИНИНГ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТИШИ	496
ТУКСАНОВА З.БУХОРО МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШДА ОБИДАЛАРДАГИ АСТРОНОМИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎРНИ	499
ТЎРАЕВА Г.Б.ОЛЬГА АЛЕКСАНДРОВНА СУХАРЕВА—САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МУЗЕЙИНИНГ ЖОНКУЯР ВА ФИДОЙИ МУТАХАССИСИ	505
ULASHOV K. M.SAMARQAND HOVLI UYLARI QURILISHINING O‘ZIGA XOSLIGI	510
МАХМУДОВА М.Т.КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА- ДВОРЕЦ ПОЛОВЦЕВА, МУЗЕЙ ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА И РЕМЕСЛЕННИЧЕСТВА	515
ISLOMOV F. X.TOSHKENT SHAHRI TARIXIY ME‘MORIY MAJMUALAR TARIXIDAN ..	519
AHMEDOV T.ZAMONAVIY RASSOMLAR IJODINI MUZEYLASHTIRISH MASALALARI	524
ИБРАГИМОВА Ш.М.АРХЕОЛОГИЧЕСКАЯ КОЛЛЕКЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ-ЗАПОВЕДНИКА «ИЧАН-КАЛА».....	530
ИШАНОВА М. М.СТАНОВЛЕНИЕ МУЗЕЙНОЙ СИСТЕМЫ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1960-1980-х ГОДАХ	536
САПЕКЕЕВА А.«ДӨРЕТПЕЛЕРИНДЕ МЭНГИ ЖАСАЎШЫ ХУДОЖНИК».....	542
NURULLAYEVA Z. R.O‘ZBEKISTON MUZEYLARIDA BOSH KIYIMLARNI SAQLASH VA NAMOIYISH ETISH TAMOIYILLARI.....	549
ШАРОПОВА А. Э.МУЗЕЕФИКАЦИЯ ЖИВОПИСИ УЗБЕКИСТАНА 1970-80-Х ГОДОВ XX ВЕКА: ЗАПАДНО-ВОСТОЧНЫЙ ДИСКУРС И СОХРАНЕНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО НАСЛЕДИЯ	552
RAXMATJONOV X.K.ANTIK DAVR YODGORLIGI - XOLCHAYON SAROIYI TARIXI VA KONSTRUKTIV TAHLILI.....	556
JO‘RAYEV Sh.G‘.,HABIBOV J.BUXORO ADABIYOTI TARIXI MUZEYI	561
MUSIRMANOV Sh. U.MUZEYLAR TURIZMNING IQTISODIY RIVOJLANISHIGA TA‘SIRI	566
ХУДАЙБЕРГАНОВ К.ОБИДАЛАРДАГИ ЭПИГРАФИК ЁЗУВЛАРДА АБЖАДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	570
УМАРОВА К. Б.МУЗЕЙНЫЙ ТУРИЗМ: ПОТЕНЦИАЛ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ТУРИСТОВ И РАЗВИТИЕ МУЗЕЙНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ.....	577
MIRHAKIMOVA F. X.HAMID OLIMJON VA ZULFIYA MUZEYI FAOLIYATI	583
OLIMOVA D. A.SIYOVUSH QO‘RG‘ONINING MUZEYGA AYLANTIRILISHI.....	590
UCHINCHI SHO‘BA: MUZEY PEDAGOGIKASI; FAN, TA‘LIM, MADANIYAT INTEGRATSIYASI	
ISMAILOV A. F.O‘ZBEKISTON FANLAR AKADEMIYASIDA ILMIY KADRLAR TAYYORLASH FAOLIYATI.....	595
САФАРАЛИЕВ Б.С.,ЮЛДАШЕВА М.Б.ПЕДАГОГИКА ДОСУГОВО – ЭКСКУРСИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МУЗЕЕ	601